



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «4» oktyabry

№ ПК-5255

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, эҳтиёжманд оиласарнинг фарзандларини, чин етимларни, оғир касалликка чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни даволаш, уларнинг таълим олишини, ўй-жой билан таъминланишини ҳамда касб эгаллашларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондини (кейинги ўринларда – Болалар жамоат фонди) ташкил этиш ва унга муассислик қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Болалар жамоат фондининг энг муҳим вазифалари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларни аниқлаш ва уларга манзилли ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш тадбирларини ташкил этиш ва молиялаштириш;

болаларнинг ҳаёти учун хавф солувчи оғир, сурункали ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва уларни республикада ёки зарур ҳолларда хорижий давлатларда даволаш учун тиббий, ижтимоий ва молиявий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча механизмларини жорий этиш;

эҳтиёжманд оиласарнинг фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болаларни бепул дори воситалари, тиббий ва протез-ортопедик буюмлар билан таъминлаш;

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болаларни таълим олишларида кўмаклашиш, шу жумладан маҳсус ўқув адабиётлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш ва уларни уй шароитида ўзини ўзи банд қилиши учун асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

оғир ташхисли касалликлари бўлган болаларни парвариш қилаётган кам таъминланган оиласарни ҳомийликка олиш;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, шу жумладан уларга юқори технологик ихтисослашган реабилитацион ёрдам кўрсатишга доир тадбирларни ташкил этиш ва молиялаштириш.

3. Қўйидагилар:

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг **Васийлик кенгashi** таркиби 1-иловага мувофиқ;

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди **Васийлик кенгашининг ёрдамчи органи сифатида Экспертлар груҳи** таркиби 2-иловага мувофиқ;

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди **ижро дирекциясининг бошқарув ходимлари** чекланган сони **10 нафар** бўлган тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижро дирекцияси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик ёрдамларини олиш** бўйича мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш схемаси 4-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Болалар жамоат фонди **бошқарувининг юқори органи** унинг **муассислари умумий йиғилиши ҳисобланиб**, ушбу йиғилиш ҳар йили камида бир марта ўтказилади;

Болалар жамоат фондининг **Васийлик кенгashi** Болалар жамоат фонди **бошқарувининг умумий йиғилишлари оралиғидаги раҳбар органидир**;

Болалар жамоат фонди ижрочи директори лавозимга Болалар жамоат фондининг Васийлик кенгаши томонидан **муассислар умумий йиғилиши тақдимномасига мувофиқ тайинланади** ва лавозимидан озод қилинади;

Болалар жамоат фонди ижро дирекциясининг штат бирликларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар унинг **шакллантирилган маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади**.

5. Болалар жамоат фондининг **асосий пул маблағлари қўйидагилар ҳисобига шакллантирилади**:

Давлат бюджети ҳисобидан 2021–2022 йилларда маблағларни амалда ўзлаштирилишига қараб **100 миллиард сўм** миқдоридаги беғараз молиявий ёрдам;

жисмоний ва юридик шахсларнинг **ихтиёрий хайриялари**;

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ажратадиган грантлар;

краудфандинг механизмлари орқали келиб тушган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари **депозитларига жойлаштиришдан** олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Болалар жамоат фонди Васийлик кенгашининг (Б.Мусаев) асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Болалар жамоат фондининг асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Болалар жамоат фондига **ҳомийлик қилинган маблағлар** солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритилади;

Болалар жамоат фонди **солиқларнинг барча турларидан озод этилади** (ижтимоий солиқ бундан мустасно).

7. Белгилансинки, 2024 йил 1 январга қадар даволанишга мұхтож бўлган болалар учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Болалар жамоат фонди томонидан олиб келинадиган дори воситалари, тиббиёт ускуналари ва протезлаш воситалари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинади.

8. Болалар жамоат фондига:

ўз маблағларини олувчилар кесимида, шу жумладан **уларнинг шахсини очиқламаган ҳолда** ёши, жинси, ижтимоий ҳолати ҳамда молиялаштириш манбай кесимида, шунингдек, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот ойининг якуни билан кейинги **ойнинг 25-санасига қадар расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш**;

ўз маблағларининг сарфланишига доир масалаларни муҳокама қилишга **жамоатчиликни жалб этиш**;

фаолиятининг аудиторлик текшируви натижалари ҳисоботини кенг жамоатчиликка, шу жумладан **оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ва бошқа ташкилотларга тақдим этиб бориш** тавсия этилсин.

9. Болалар жамоат фонди Васийлик кенгаши (Б.Мусаев):

а) 2021 йил 20 октябрга қадар Болалар жамоат фонди ижро дирекциясини юқори малакали кадрлар билан тўлдириш ҳамда Болалар жамоат фонди уставини тасдиқлаш чораларини кўрсин;

б) 2021 йил 15 ноябрга қадар манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда кенг жамоатчилик фикрини ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи “Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин**:

Болалар жамоат фондининг мақоми, фаолияти кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Болалар жамоат фондининг давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

Болалар жамоат фонди фаолиятини молиявий таъминлаш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби;

Болалар жамоат фондига ҳомийлик қилган шахсларга имтиёз ва преференциялар бериш ҳамда унинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тартиби;

в) 2021 йил 1 декабрга қадар Болалар жамоат фонди ҳисобидан унинг платформаси ва ягона электрон базаси фаолиятини йўлга қўйисин ҳамда Болалар жамоат фонди фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг платформада жойлаштириб борилишини ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилишини таъминласин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиходжаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов) билан биргаликда **бир ой муддатда** Болалар жамоат фондини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида унинг фаолиятини **самарали ташкил этиш учун зарур шароитларга эга бўлган** мақбул бинога жойлаштирсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.М. Хаджибаев**, ҳалқ таълими вазири **Ш.Х. Шерматов**, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири **Н.Б. Ҳусанов** ҳамда молия вазири **Т.А. Ишметов** белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринbosари **Б.А. Мусаев** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **2022 йил 1 марта** қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5255-сон қарорига
1-илова

**Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Васийлик кенгаши
таркиби**

- | | |
|--------------------|--|
| 1. Б. Мусаев | – Бош вазирнинг ўринбосари, <i>Кенгаши раиси</i> |
| 2. М. Ходжаева | – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, <i>Кенгаши раиси ўринбосари</i> |
| 3. Р. Маматов | – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири |
| 4. Э. Мухитдинов | – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари |
| 5. Б. Онорбоев | – мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари |
| 6. У. Шарифходжаев | – халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари |
| 7. Э. Баситханова | – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари |
| 8. Ж. Абруев | – молия вазири ўринбосари |
| 9. С. Ашурев | – Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари |
| 10. К. Абдуллаев | – Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси (<i>келишув асосида</i>) |
| 11. А. Инаков | – Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори |
| 12. Т. Алиева | – “ZAMIN” халқаро жамоат фонди директори |
| 13. У. Турабов | – Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси, <i>Кенгаши котиби</i> |

Изоҳ: Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибиغا ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5255-сон қарорига
2-илова

**Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Васийлик кенгашининг
Экспертлар гуруҳи
таркиби**

1. Б. Каримов – Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, гуруҳ раҳбари
2. Ш. Амонов – Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор
3. М. Липартия – Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди
4. А. Давлетяров – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Инсон капиталини ривожлантириш департаменти директори
5. Р. Кливлеев – Молия вазирлигининг Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва давлат ижтимоий хизматлари тармоқларида бюджет сиёсати департаменти бўлим бошлиғи
6. Л. Гайнутдинова – Халқ таълими вазирлигининг Психологик-педагогик республика ташхис маркази директори
7. Н. Умарова – “Ишга марҳамат” банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатиш мономаркази директори
8. Т. Алиева – “ZAMIN” халқаро жамоат фонди директори
9. *Келишув асосида* – ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси эксперти
10. *Келишув асосида* – БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси эксперти
11. *Лавозими бўйича* – Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижрои директорининг ўринбосари, гуруҳ масъул котиби

Изоҳ:

Экспертлар гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишили функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Васийлик кенгашига Экспертлар гуруҳи таркибига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

Экспертлар гуруҳи таркибига келишувга кўра 1 нафар журналист ва 2 нафар блогер киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5255-сон қарорига
3-илова

**Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижро дирекциясининг
тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган сони – 10 нафар.

Изоҳ: хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони ўрнатилган меъёrlарга мувофиқ белгиланади.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ёрдамларини олиш бўйича
мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
-----------	------------	----------------	--------------------

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни

1-босқич	Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижро дирекцияси	Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган: ёзма (почта, факс орқали ёки шахсан) мурожаатлар; электрон шаклда келиб тушган (Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди веб-сайти, Халқ қабулхонаси ва бошқа электрон почталар орқали) мурожаатлар; оғзаки (шахсий қабул ёки Call-марказ орқали) мурожаатлар кунлик ўрганиб чиқилади ва таҳлил қилинади.	Кунлик
2-босқич	Молия вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги	Мурожаатлар қўйидагилар асосида кўриб чиқилади: мурожаатчининг эҳтиёжи ва сўрови Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги;	Кунлик
	Вазирлик ва идоралар	мурожаатчининг оиласиб аҳволи ва имкониятларини (шу жумладан, Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ва Тиббий-ижтимоий экспертиза дастурий таъминоти маълумотлари асосида, шунингдек, жойларга чиққан ҳолда) ўрганиш.	Икки ҳафта муддатда

Ҳомийлик амалга оширилишини экспертизадан ўтиш жараёни

3-босқич	Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижро дирекцияси	Экспертлар гуруҳига касалликка чалинган болалар рўйхати, зарур дори воситалари, бошқа воситалар ва моддий ёрдамлар юзасидан чора-тадбирлар қиймати ва молиялаштириш суммаси бўйича маълумотлар тақдим этиб борилади.	Ой якуни билан, кейинги ойнинг 5 санасига қадар
	Экспертлар гурухи	Экспертлар гуруҳи: даволаш муолажалари ва амалиётлар ўтказилиши тиббий кўрсатмаларга (ташхисларга) мувофиқлиги; касалликка нисбатан даволаш муолажалари ва амалиётлар ўтказилишига тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги; ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни даволаш, шу жумладан чет элда даволаш зарурлиги; маҳсус доривор препаратлар, протез-ортопедик буюмлар ҳамда маҳсус ўқув адабиётлари ва ўқув қуроллари зарурлиги бўйича хуносалар беради.	Ҳар икки ҳафтада

	<p>Болаларни қўллаб- қувватлаш жамоат фонди ижро дирекцияси</p>	<p>Товарлар, хизматлар ва дори воситалари ўрнатилган тартибда харид қилинади, моддий ёрдамлар ва бошқа чоратадбирлар молиялаштирилади.</p>	
--	---	--	--

Назорат ва ҳисобдорлик тизими

4-босқич	<p>Болаларни қўллаб- қувватлаш жамоат фонди ижро дирекцияси</p>	<p>Фонддан маблағ олувчиilar кесимида ҳамда молиялаштириш манбаси кесимида маълумотларни ҳар ой якуни билан расмий веб-сайтига жойлаштириб боради.</p>	<p>Ҳар ойининг 25 санаасига қадар</p>
	<p>Болаларни қўллаб- қувватлаш жамоат фонди ижро дирекцияси</p>	<p>Маблағларнинг сарфланиши масалалари кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиб борилади.</p>	<p>Ҳар ойда</p>
	<p>Болаларни қўллаб- қувватлаш жамоат фонди тағтиш комиссияси</p>	<p>Аудиторлик текшируви натижалари ҳисботи кенг жамоатчилик, шу жумладан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳалқаро ва бошқа ташкилотларга тақдим этилади.</p>	<p>Ҳар йилнинг март ойига қадар</p>
	<p>Болаларни қўллаб- қувватлаш жамоат фонди Васийлик кенгаши</p>	<p>Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижро дирекциясининг амалга оширган ишлари, чора-тадбирлари, маблағларнинг мақсадли сарфланганлиги ҳамда келгуси йил учун белгиланган муҳим вазифалар тўғрисидаги ҳисботи эшитилади.</p>	<p>Ҳар йилнинг апрель ойига қадар</p>

***Изоҳ:** шошилинч тиббий хизмат ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳомийлик ёрдамлари истисно тариқасида Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Васийлик кенгashi раисининг розилиги асосида амалга оширилиши мумкин.

